

ОРОМГОҲЛАР ША
Корақалпоғистон Республикаси касаб ташкилотлари раҳбарлари, маданият ми ва тиббиёт ходимлари Таҳиатов ш дин йўли болалар оромгоҳига тўла ўтказилган семинар-кенгашида ёз ма чиларнинг хордик чиқаришларини та уни уюшқоқлик билан ўтказиш бор оширилаётган ишлар муҳокама этилди
Анжуманда таъкидланганидек, бугунги болалар оромгоҳида спорт майдончалари зарур усуналар билан жиҳозланди, чум ри тайёрлаб қўйилди. Кутубхоналарни я ва даврий нашрлар билан таъминлаш, т йўлга қўйиш борасида анча ишлар қил ларда ишлайдиган мутахассислар, ўқиту ходимларнинг малака ошириши ташки Жорий йилда Қорақалпоғистондаги оромгоҳда 7 минг 140 нафар ўғил-қиз д нингдек, икки ярим минг нафар Орол Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғо даги оромгоҳларга юборилади.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 24 май, сешанба № 81 (1922)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Б.У.Жўраевни II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш тўғрисида
Давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Шарқий ҳарбий округ штабининг бўлим бошлиғи марҳум Жўраев Баҳром Улугбекович II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида

Шу йилнинг 13 май кўни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар бўлган бутун мамлакатимиз аҳолиси ҳамда жамоатчилигида чуқур безовталиқ ва ташвиш уйғотди. Барча жойларда бўлиб ўтказилган йиғинлишларда, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида фуқаролар фақат битта саволни бермоқдалар: одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, жамиятимизнинг тинч, барқарор, қурбон бўлишига олиб келган, жамиятимизнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини қандай қилиб рўй берди. Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш мақсадига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини ташкил этилиб, унинг таркибига барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иловага мурофий киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан комиссия таркибига кириштиш учун Сенат аъзоларини тайинлаш сўралсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссиясини тузиш тўғрисида вазифалар юклатилсин. Андижонда рўй берган воқеаларга оид барча ҳолатларни синчиклаб текшириш, воқеалар жараёнини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш; шу йилнинг 13 майдаги воқеаларни текшириш бўйича комиссиясини парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этсин, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш.
Харакатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш. Бунинг учун юқори малакали мутахассислар жалб этилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссиясини парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этсин, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Шарқий ҳарбий округ штаби офицери капитан Баҳром Улугбекович Жўраев 27 ҳарбий хизматчи билан бирга 13 май кўни кечқурун Андижон шаҳри марказий қисмидаги кўчаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарётган эди. «Чўлпон» кинотеатри атрофида ҳарбийлар ҳокимлик биноси томондан саросимага тушиб югуриб келётган одамларни ўчратади. Улар бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар шу томонга келётганини айтишди. Капитан Жўраев аскарларга одамларни хавфсиз жойга ўтказиб қўйишни буюради.



Қўрдади. Спорт билан шуғулланарди, самбо бўйича мусобақаларда голиб бўлганди.

Соат 20.30ларда Чўлпон проспектида автоматлар, снайпер милтиқлари, парчаланувчи қўл гранаталари, тутун чиқарувчи ва кимёвий гранаталар, ёнувчи аралашма тўлдирилган шиша идишлар билан қуролланган жиноятчилар тўдаси пайдо бўлади. Қуролланган жиноятчилар гаровга олган одамларни узига пана қилган ҳолда турли томонга ўқ отиб, ҳарбий хизматчиларга яқинлашиб кела бошлайди. Офицер Баҳром Жўраев вазиятни дарҳол англаб, ўз ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигига қарамастан, жиноятчиларга қарши тик бориш ва улардан қуролларни топиширишни ва гаровга олинганларни қўйиб юборишни қатъий талаб қилади. Бу талабларга жавобан жиноятчилар аёвсиз ўти очишди ва капитанин ярадор қилишди. Ҳарбий хизматчилар позициялари қаттиқ ўққа тутила бошланди. Гаровга олинганларнинг асосий қисми юзага келган вазиятдан фойдаланган, жиноятчилар қўлдан қочиб кетди. Ҳарбий хизматчилар жиноятчиларга қарши жавоб ўти очиб, офицери уқлар остида олиб чиқишди. Бирок, у ярадор бўлишига қарамай бўлинишни бошқаришда давом этади. Қуролланган жиноятчилар ўзининг сон жиҳатдан

кўплигига ишониб, аскарларнинг қаршиликни енгмоқчи бўлади, бўлинишни қуршовга олишга жон-ҳади билан ҳаракат қилади ва уларга қарши тинимсиз ўқ узади, гранаталар ва ёнувчи аралашма тўлдирилган шиша идишларни отади. Шунга қарамай, ўз командирининг қаҳрамонона жасоратидан руҳланган ҳарбий таркиб жиноятчиларнинг ҳужумларини қайтариб туради. Капитан Жўраев раҳбарлигидаги бўлимининг дадил ва жанговар ҳаракатлари тўғрисида жиноятчилар кўп талафот кўради, тўхташиб қолинади ва пароканда бўлади, уларнинг бир қисми қўлга олинади ва қуролсизлантирилади, гаровга олинганлар озод қилинади. Ушбу жангда олган жароҳатлари оқибатида капитан Баҳром Улугбекович Жўраев ҳалок бўлади. У 1979 йил 21 ноябрда Тошкентда, хизматчилар Улугбек ва Ширин Жўраевлар оиласида туғилган, Қорасув даҳасида ўсиб-ўлғайган. Баҳром Жўраевни билганлар, унинг қариндош-уруғлари ва қаринлари, дўстлари ва сарфдошларининг айтишича, у болалик йиллариданоқ Ватанга сидуқчилдан хизмат қилиш, бу йўлда керак бўлса жонини ҳам фидо этиш руҳида тарбияланган эди. Ҳарбий-тарихий мавзулардаги китоб

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган Қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил Комиссияси ТАРКИБИ

- 1. Йўлдошев Махаммадхон Мамаюнович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)
2. Абдуллаева Муҳаббат - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
3. Ахмедова Сораниш Топилоновна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси
4. Ботирова Зухра Баратова - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мехнат ва иجتимоий масалалар қўмитаси аъзоси
5. Жабборов Собир Ваҳобович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
6. Каримов Ҳаётхон Салимович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
7. Қозлов Анатолий Михайлович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси
8. Саидов Акмал Холматович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси
9. Толибов Иzzатулло Ибодович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари
10. Умарова Шоира Окбўтаевна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мехнат ва иجتимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари
11. Усаров Олим Авалобович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси
12. Воҳидов Эркин Воҳидович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси
13. Иминов Бахтиёр Мирзажанович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
14. Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси
15. Собиров Илғизар Матёкубович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси
16. Усмонов Маъруф Ағзамович - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан белгиланган Сенат аъзолари киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 май кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар сайлов округларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувлар яқунлари дининг бўйича шу йилнинг 13 майдаги воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида вазифалар юклатилсин. Андижонда рўй берган воқеаларга оид барча ҳолатларни синчиклаб текшириш, воқеалар жараёнини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш; шу йилнинг 13 майдаги воқеаларни текшириш бўйича комиссиясини парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этсин, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш. Ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш. Бунинг учун юқори малакали мутахассислар жалб этилсин. 4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича комиссиясини парламентни ва жамоатчиликни текширишнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этсин, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот бериб бориш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май

Андижон воқеаларидан қимбатлик қилган максадлари йўлида фойдаланиб қолишга уриндилар. Айрим ҳорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари эса асоссиз, ваҳимали гапларни тарқатишга зўр беришди. Улар келтирган рақамлар хаводан олинган. Маҳалламизда истиқомат қилаётган икки ярим мингга яқин аҳоли билан истиқомат қилувчи ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида бош қотирар эканмиз, ўзимизнинг ҳам айбимизни, оғоҳликни муайян даражада бўлсин қўлдан бой берганлигимизни тан олдик. Ахир бузғунчилар ярамас ишга анча олдин хозирлик кўрган эканлар-ку.

ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

Хозирда Андижонда, хусусан маҳалламизда ҳаёт осуда кечмоқда. Одамларимиз қўли гул, асл тадбиркорлардир. Матога гул босиб, тикучилик, зардўзлик, дурадгорлик цехлари гуриллаб ишлаб турибди. Сўнгги кунларда 50 та янги иш ўрни яратилди. Тўлкинжон Еркулондан маҳалла ахли миннатдор. У ишламай юрган йигит-қизларни ёнига олиб, янги цехни ишга туширди. «Намуна» ширкат хўжалиги кўмагида ташландиқ ҳолатда ётган дала шипони ҳашар йўли билан таъмирланиб, биологаторияга асос солинди. Хозирда бу ерда 20 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, мен Андижон йигитлари, фарзандларини яхши танийман. Уларнинг деярли барчаси меҳнатсевар, ҳақиқий деҳқон, хунармандлардир. Ёвузликни бошлаганлар эса тамомила ёт кишилар. Уларнинг кўзлари хунук,

Муносабат

«Дамас» харид қилибди. Янги уйга таклиф қилди. Илгарилар хорижа чиқишимиз бамисола бир туш эди. Истиқлол шарофати ила маҳалладошларимиз фарзандлари чет эларда ўқимокда. Оддий хайдовчи Исмоилжон Шер-Хамма ундан безор. Фикримча, касаллик билан курашгандан кўра, унинг оддини олган маъмурок. Чунки касалликдан барибир асорат қолади... Мен ҳам шу юрт фуқароси сифатида уйлаб-ўйимга етолмайман. Қайси ақл билан бундай мурдхш ишларга қўл уришди, ёвузлар. Яхшиямки, бало-қазо вақтида даф қилинди. Мустақил халқро текшириш ўтказиш ҳақидаги уйдирмалар нақадар қулғули. Ўзбекистон мустақил, суверен давлат. Унинг кучли бошқарув тизими, оқил ва одил, халқ севган Президенти бор. Мамлакатимиз ўз муаммоларини ўзи ҳал этишига ҳамиша қодир. Лекин қоза тағида ним қоза, борлигини ҳамма пайқайди, албатта. Кимлардир Андижон воқеаларидан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи, халқларни чағлитмоқчи бўлди. Бундай хатти-ҳаракатлар қаттиқ қораланди, ёвузлар халқимиз қахр-ғазабига дучор бўлди. Чори ШОДИЕВ, Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма Марказий кенгаши раиси

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ЯҚУНЛАНДИ

Тоғли Бойсун диёрида шу йилнинг 18-22 май кунлари бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали яқунланди. Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган, ҳаёндаги инсоният номоддий мероси дурдоналарини сақлаб қолган ва ривожлантираётган диёрида ўтган бу анжуман ҳақиқий санъат байрамига айланди. Республикаимизнинг барча вилоятларидан ва қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган бахши-шорилар ва оқинларнинг достон, терма айтишувлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Халқ тафаккурининг махсули бўлган озаки ижод намуналарида ҳаётга муҳаббат, озолиқ учун кураш, ёвга қарши қаҳр-ғазаб, ёруғ кунлардан шукроналик туйғулари, тадбиркорлик ва донолик фазилатлари таъсирчан оханларда ифода этилган. Ҳайрат қарорига кўра, курик-танловда иштирок этган барча фольклор ва фольклор-этнографик дасталар фестивал лауреати бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё ва Сурхондарёдан келган бахши-шорилар чиқиси, айниқса Сарийосиё туманининг «Дашнобуд анорлари» фольклор дастаси, сирдарёлик 11 ёшли Камола Пардаева ижро этган қўшиқлар юқори баҳоланди. Фестивал мезбонлари - республикада таниқли «Бойсун», «Қуралей» фольклор-этнографик халқ дасталари, мусика мактабининг «Гулгунча» дастаси фольклор санъатининг юксак намуналарини ижро этишди. Фестивал дастури доирасидаги кўпқар, кураш мусобақалари томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Хунармандлар ясаган уй-рўзгор буюмлари, турли махсулотлар кўргазмалари, ошпазлар тайёрлаган миллий таомлар фестивал кўрқига айланди. Тоғлар диёридаги «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали миллий ва маънавий қадриятлар ҳаёт ва тараққиёт билан абдий Ҳамоҳанг эканидан яна бир бор далолат берди. (ЎзА)

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун хизмат қилади

Хозирги кунда халқ манфаатларини ўзида акс эттириш оладиган кучли фуқаролик жамияти қуришнинг назарий асосларига алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари жамиятда теран сиёсий маданиятни юксалтириш, аҳоли сиёсий фаоллигини янада ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида оғли фаол иштирок этишини тўла таъминлаш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, демократик янгилашни жараёнларини максимал тезлаштиришнинг муҳим омил эканини таъкидлаб келадилар. Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти қуриш учун фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтирмай туриб ривожланиш сари йўл тўтиб бўлмайди.

Фуқароларда демократик сиёсий маданиятнинг ўзбекистон жамияти учун мақбул кўрсаткичларини шакллантиришда давлат идоралари, таълим тизими ва оммавий ахборот воситаларининг белгиланган роллари тан олинган. Давлат ҳукуқий ахборотни қабул қилиш йўли билан сиёсий фельд-атворнинг меъёрий андозаларини, сиёсий маданиятнинг муҳим жиҳатларини белгилаб бериш, таълим тизими ўтиш шароитида замонавий сиёсий институтлар билан муваффақиятли ўзаро боғлиқликни йоддаласа, оммавий ахборот воситаларининг фуқароларда сиёсатда реал иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилувчи, инсонларга демократик сиёсий қадриятлар ва кўрсаткичларни сингдирувчи ва шу билан бирга жамиятнинг маънавий ҳаётига самарали таъсир кўрсатувчи восита сифатидаги ролини ошироқ лозим.

"Миллатнинг дардида дармон бўлмоқ" бугунги навқирон авлоднинг ҳам башарифасидир. Миллатнинг дардида дармон бўлиш учун шу миллатга мансублигини ўзи етарли эмас, балки миллатга муносиб бўлиши шарт.

яни амалга ошириш механизмига таъсир кўрсатувчи омил сифатида ҳам қадрийдир. Уни тўғри йўналтирибгина жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки таъминланади. Бунинг учун фуқаролар бошқалар фикрини ҳам билишлари, жамият муаммолари ҳақида кенг хабардор бўлишлари талаб этилади.

Давлат билан фуқаролик жамияти фаолиятининг қанчаллик самарали бўлиши жамоатчиликнинг ҳокимиятини қай даражада қўллаб-қувватлашига боғлиқ, имкониятлар рамизи бўлган сиёсий тизимнинг аҳамияти шу билан белгиланади.

Фуқаролик жамиятида кишиларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ҳодимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши жамиятга ривожда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан ҳаққоний ва реал жамоатчилик назорати хозирги даврда Ўзбекистонда вужудга келадиган адолатли фуқаролик жамиятининг ҳақиқатда мавжудлигини билдирувчи, унинг ажралмас белгиси сифатида эътибор этилмоқда. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратининг кучайиши фуқаролик жамиятининг кучайишига, кучли давлат вужудга келишига олиб келади. Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун хизмат қиладиган омилдир. У инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан қаролатилиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди. Ва нихоят, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимият том маънода халқ

қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг асл моҳияти ҳам айнан шундан иборат. Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектга фуқаролик жамияти салоҳиятини таъминлашда муҳим омил ҳисобланган нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳам қиради. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари турисида"ги қонунига биноан бундай ташкилотлар жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Ушбу қонунга кўра, улар ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини тақдим этиши, ҳимоя қилиши, ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича таъбуслар билан чиқиши, давлат ҳокимиятига, бошқарув органларига тақдирлар киритиши, оммавий ахборот воситаларини белгиланган тартибда таъсис этиш, ноширлик фаолиятини юритиши ва бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш орқали жамоатчилик назоратини олиб бориши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда жамоатчилик назорати "Адолат - қонун устуворлиги" деган ҳаётий тамойилнинг қатъий талаби асосида фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларининг бошқалар билан биргаликда адо этишдан, жамият бошқарувини шакллантирадиган, инсон - жамият - давлат ўртасидаги мувозанатни ушлаб туришга хизмат қиладиган ижтимоий институт мақомида бурч ҳамда виждон амри билан юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир.

Акром САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси



Шунақаси ҳам бўлиб туради. Бу гал ушбу ҳол Тошкентнинг "Локомотив" ва Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоалари ўртасида кечган ўйинда юз берди. Ақа-ўқа Акмал ва Аҳрол Рискўллаевлар бир-бирига қарши тўп суришди. Барибир ақанинг хурмати бор - омад "Локомотив"га қўлиб бокди. Ҳисоб - 5:0. Лекин бу ҳали дебочаси. Муқаддимани кўзда - 17 сентябрда Жиззахда қўраимиз. Шу кун "Сўғдиёна" ўз майдонида "Локомотив"ни қабул қилади.

Миллий чемпионатимизнинг саккизинчи турида, айтиш мумкинчи, асосий эътибор Қашқа воҳаси жамоалари қаратилди. "Пахтакор" - "Шўртан", "Машъал" - "Нефчи", "Насаф" - "Трактор" жуфтликлари ўртасида кенгадиган ҳар учала учрашув ўзига хос вазиятларни туҳфа этиши кутилган эди. Кўпчилик мамлакат чемпиони олий лига дебъотантини жуда осонлик билан таълим этади, деб таҳмин қилган эса-да, кейинги ўйинлар натижасини башорат этишга ҳамма ҳам ботинолмади, турли фикрларни билдиришди.

ган захоти ўткир бурчада турганига қарамай зарб билан тепиб, ҳисобни очди. Табиийки, иккинчи бўлим "Насаф"нинг шиддатли ҳужуми билан бошланди ва тез орада ўз самарасини берди. Аввал Ботир Қўраев, сўнг Зафар Холмуродов кетма-кет тўп киритиб, жамоасини олдинга

олиб чиқишди. Лекин уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Тажриба барибир ўз сўзини айтиди - Нуъмон Хасанов орадаги фарқни йўққа чиқарди. 2:2 ҳисоби "Трактор"га муҳим бир очкони тақдир қилган бўлса, "Насаф"ни очкдан маҳрум қилди. Ушбу турда барча оқимлар "Машъал"га аталди. М борақликлар ўз майдонларида Фарғонанинг "Нефчи" командасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, бу йилги мавсумда жиддий ниятларни дилга тукан ҳолда тўп суражақларини яна бир марта, ишончли тарзда намойиш қилдилар.

Кўлган учрашувлар куйидагича яқун топди: "Қизилқум" - "Навбахор" - 1:0; "Самарқанд-Д" - "Бухоро" - 2:0; "Тупаланг" - "Металлург" - 4:2.

Турнир	жадвали	Ў	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. "Насаф"	8	6	2	0	20	8	20	
2. "Пахтакор"	7	5	1	1	29	4	16	
3. "Машъал"	8	5	1	2	13	9	16	
4. "Самарқанд-Д"	8	4	2	2	8	6	14	
5. "Локомотив"	7	4	1	2	14	9	13	
6. "Қизилқум"	8	4	1	3	12	8	13	
7. "Нефчи"	7	4	0	3	11	6	12	
8. "Тупаланг"	8	3	2	3	11	17	11	
9. "Навбахор"	7	3	1	3	8	5	10	
10. "Трактор"	8	3	1	4	12	13	10	
11. "Сўғдиёна"	8	2	1	5	3	20	7	
12. "Бухоро"	8	2	0	6	9	20	6	
13. "Металлург"	7	0	2	5	8	15	2	
14. "Шўртан"	7	0	1	6	0	16	1	

ҲУЖУМ ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Сизларга янги, манфаатли ва қулай бўлган "Маиший тўлов" муддатли омонатини таклиф этади.

СООБЩЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам 2004 года, которое состоится

23 мая 2005 года по адресу г.Ташкент, ул.С.Толипова (бывшая Мирзо Хайдар), д.3. Начало регистрации: 15 часов 00 минут. Начало собрания 16 часов 00 минут.

- ПОВЕСТКА ДНЯ:**
1. Утверждение отчетной комиссии и регламента общего собрания акционеров.
 2. Отчет Директора ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2004 года.
 3. Утверждение заключения аудиторской проверки и акта ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
 4. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчета о прибылях и убытках ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
 5. Отчет председателя Наблюдательного совета по итогам работы в 2004 г.
 6. Распределение прибыли за 2004 год.
 7. Переборы состава Наблюдательного совета ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
 8. Переборы состава Ревизионной комиссии ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
 9. Утверждение бизнес-плана развития на 2005 год ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
 10. Утверждение вновь избранного директора и заключение с ним на 2005-2006 гг. договора о найме.
 11. Утверждение аудиторской организации на 2005 г. и определение предельного размера ее оплаты.

Сообщение о существенном факте
Порядковый номер-07
Орган, принявший решение, - Наблюдательный совет ОАО «4-son TA' MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».
Дата принятия решения, о закрытии реестра акционеров 23 мая 2005 г.
Дата закрытия реестра - 23 мая 2005 г.
При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителем акционеров нотариально заверенную доверенность.
Список акционеров, имеющих право на участие в Общем собрании акционеров, составлен по данным реестра акционеров по состоянию на 23 мая 2005г.

СООБЩЕНИЕ О РАСКРЫТИИ СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR»

Полное наименование - открытое акционерное общество «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR»
Местонахождение общества - Яккасарайский район, ул. Бобура, 53
Порядковый номер сообщения - 05.
Начисление и выплата доходов по ценным бумагам эмитента. Вид, категория ценных бумаг, по которым начислены и выплачиваются доходы - акция простая именная безналичная; Дата принятия эмитентом решения о начислении и выплате дивидендов по акциям - 21 мая 2005 г.; Дата выплаты дивидендов - не позднее 60 дней после принятия решения; Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов по акциям и вознаграждения - Годовое общее собрание акционеров; Размер дивидендов, начисленного и выплачиваемого на одну акцию - 84,80 сум; Общее количество акций, по которым начислены дивиденды - 91,782 штуки; Форма выплаты начисленных дивидендов - денежные средства;

Порядковый номер сообщения-10
Изменения в персональном составе должностных лиц.
Орган управления эмитента, в котором произошли изменения - Наблюдательный совет; Члены Наблюдательного совета полномочия, которых прекращены: - Ахмедов Б.Г., Шашкова Л.В. Избраны в новый состав Наблюдательного совета: - Хван М.А., Давиров О.Х., Абрамова О.И., Геворкян Б.Г., Шашков Д.А. Члены Ревизионной комиссии полномочия, которых прекращены: - Оганесян А.А. Избраны в новый состав Ревизионной комиссии: - Нефедова А.И., Курбанов А.Н., Шашкова И.М. Дата, в которой произошли изменения - 21 мая 2005 г. Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющийся основанием указанных изменений - Годовое Общее собрание акционеров, проводимое 21 мая 2005 г.
Срок опубликования информации в газете - 24 мая 2005 г.

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ СП ОАО «INTER TRANS SERVIS»

1. Основные сведения об эмитенте:
1.1. Полное и сокращенное наименование эмитента: Совместное предприятие открытое акционерное общество «INTER TRANS SERVIS».
1.2. Юридический адрес: г.Ташкент ул.Сегизбаева 3а
1.3. Номер и дата гос.регистрации в Министерстве юстиции РУз: №1037/356 от 06.10.2004г.
1.4. Организационно-правовая форма: Открытое акционерное общество.
1.5. Банковские реквизиты: р/с 20214000900118883001 А.Икрамовский ф-л НБ ВЭД РУз. г.Ташкент, МФО-00918, ИНН 201005754, ОКОНХ-51121.
1.6. Размер Уставного фонда до увеличения - 225496500 сум.
после увеличения - 325496500 сум.
1.7. Проспект эмиссии зарегистрирован: Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при ГКИ Республики Узбекистан 28 марта 2005г. №Р0018-2
1.8. присвоен идентификационный номер Национальной цифровой системы идентификации ценных бумаг - RU 102 p0018t2.
2. Общие данные о ценных бумагах:
2.1. Выпуск акций - дополнительный по закрытой подписке.
2.2. Номинальная стоимость одной акции - 500 (пятьсот) сум.
2.3. Количество выпускаемых ценных бумаг и вид: простые

3. Утверждение заключения Ревизионной комиссии.
4. Утверждение аудитора на 2005 г. и размер его вознаграждения.
5. Утверждение решение о продлении на 2005 год договора найма с председателем правления Шариповым Б.И.
6. Отчет Наблюдательного совета за 2004г.
7. Выборы нового состава Наблюдательного совета и утверждение размера их вознаграждения
8. Утверждение Бизнес Плана на 2005 г.
Наблюдательный совет

Балансовый отчет по СП ОАО «INTER TRANS SERVIS» на 1.01.2005 г.

Наименование	Актив	Пассив
1. Основные средства (остат.стоим.)	1240167,9	
2. Нематер. активы (ост.стоим)	300	
3. Долгосрочные инвестиции	17715,2	
4. Долгоср.дебиторская задолженность	465851,1	
5. Производственные запасы	42280,8	
6. Расходы буд.периодов	620,5	
7. Денежные средства	4907,7	
8. Дебиторско-кредиторская задолженность	127505,5	363589,7
9. Уставной капитал		225496,5
10. Добавленный капитал		186354,3
11. Резервный капитал		368994,2
12. Нераспределенная прибыль		15534,5
13. Целевые поступления		104689,9
14. Долгосрочные обязательства		634689,6
Итого	1899348,7	1899348,7

Доходы СП ОАО «INTER TRANS SERVIS» за 2004 г. 1516417,7
Расходы 1508883,2
Чистая прибыль 15534,5
Достоверность баланса подтверждается ЧФ «АММ-Автоаудит» лицензия №002230 от 10.10.2001г.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА БАНК"

Сизларга янги, манфаатли ва қулай бўлган "Маиший тўлов" муддатли омонатини таклиф этади.

Омонатга қўйган маблағингизга йиллик 30 фоиз микдорида даромад ҳисобланиб, фоизли даромадингиз берган ёзма буюртмангизга асосан барча коммунал хизматлари ҳақи учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилади.


Омонатга бир марта қўйган пулингиз икки йил мобайнида коммунал тўловларингизни ўз вақтида тўланиб боришига имкон яратади.

Шунингдек, "Пахта Банк" янги жорий этилган 3 ой муддатга қабул қилинадиган "Қадрият" омонат турини ҳам таклиф этади. Ушбу омонатга йиллик 27 фоиз даромад тўланиб, фоизларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин!

"ПАХТА БАНК"
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИДИДИР!

“БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

Бугун Чирчиқ шаҳрида тантанали равишда очилади. Барча вилоятлардан келган 2170 нафар йигит-қиз спортнинг 13 тури бўйича беллашадилар.



ЮН СУН ТУ НАВИЙ ТАРИХИ АЛОХИ ХАР И КЛОР С...
Кун сун фе лари, нослар рини ў...
«Бойсу халқаро валин қатна лашт... йилларида мамлакатимизда жисмоний мов спортни ривожлантириш мақсадида мис раҳмаган ишлар амалга оширилди. Бунинг са ку ўлароқ, юзлаб замонавий спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Профес си спортчиларимиз Олимпиада ўйинлари, китъа хон чемпионатлари каби турли нуфузли мусо ларда, халқаро турнирларда муваффақиятли қат ноб. Ватанимиз байрогини сарбаланд этдилар. Дингдек, миллий кадриятларимизни ўзида мужас я этган спорт туримиз — Ўзбек курашининг халқа миқёсга чиқishi ҳам республикада бу йўналишда либ борилган улкан саяҳатлар мевасидир.

СПОРТ ВА ЁШЛИК БАЙРАМИ

Юртимизда ўсмир-ёш ларни оммавий равишда спортга жалб этишга ҳам юксак эътибор қаратилмоқ да. Ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама баркамол, етук бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида таъ лим тизимининг узлуқсиз лик талабларига тўла уйғ унлашган доимий фаолият даги уч босқичли оммавий спорт тизими ишлаб чиқи лб, 2000 йилдан бошлаб амалга оширила бошланди. Мамлакатимиз ўқувчи ва тала ба ёшларини тўла қамраб олган бу спорт тизимининг амалиётга жорий этилиши натижасида ўтган йиллар давомида Наманган, Фарғ она, Андижон, Хоразм, Самарқанд вилоятларида «Умид ниҳоллари», «Барка мол авлод», «Универсиада» каби мусобақалар зўр му ваффақият билан ўтказил ди. Энг муҳими, минглаб ўғил-қизлар иштирок этган мазкур мусобақалар ишти роқчиларда катта қизиқиш

касб-хунар коллежлари, ака демик лицейлари ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» спорт ўйинларига старт берилди. Беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоаларининг 2170 нафар ўқувчи ёшлари спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, енгил атлетика, бадий гимнастика, сузиш, шохмот, ку

ри эса «Кимёгар» ва «Фазалкент» стадионларида ташкил этилади. Шунингдек, Тошкент Давлат аграр университети, Охунбобоев номидаги республика тиббиёт колле жи спорт майдонларида ҳам мусобақалар ўтказилади. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими бугун Чир чиқ шаҳридаги Олимпия за хиралари спорт коллежи ста дионинда бўлиб ўтади. Ҳар

УМИД БИЛАН КЕЛГАНМИЗ

Ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишларида спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқ да. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси нинг ташкил этилганлиги, бу борада юртимизда кенг қўлланма ишларнинг амалга оширилаётганлигидан да лолатадир.

Уч босқичда ташкил этиб келинаётган «Умид ниҳол лари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусо бақаларида ёшлар ўзлари нинг эпчиллик ва чаққон ликларини намойиш этипа тилар. Урта махсус касб хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўртаси да ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларига қашқадарёлик ўқувчи ёш лар ҳам пухта тайёргарлик билан келдилар. Мусобақа



Олимпия заҳиралари спорт коллежидан Еркин Қурбо нов, Жавлон Тўхтаев, Қар ши маийш хизмат касб хунар коллежи ўқувчиси Ра мазон Маллаевлар бугунги кунда «Насаб» футбол жамо асининг ўринбосарлари са фида тўп суришмоқда. Қар ши маийш хизмат коллежи нинг Жамол Отақулов, Са мандар Шодмонов, Жасур Бобоев, Шахрисабз техно логия касб-хунар коллежи нинг Хусниддин Каримов

сингари мураббийлар ёш ларни ҳар томонлама нақ қон ва эпчил бўлишлари да хизматларини аямлади лар. Тобора оммалашиб бо раётган курашга қизлар нинг жалб этилиши бар чани қувонтирарти. Мак судда Данғалола, Фазлид дин Мейлиевлар Қарши кишлоқ хўжалик касб хунар коллежида таҳсил олашади. Улар спортнинг белбоғ кураши тури бўйича мусобақаларда вилоят шарафини ҳимоя қилади лар. Енгил атлетика, тен нис, стол тенниси, сузиш, кўл тўпи, бадий гимнас тика, бокс турлари бўйича ҳам ўқув йигини машғ улотларида фаол иштирок

да 155 нафар ўқувчи вило ят шарафини ҳимоя қила ди. Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бир лашган касабга уюшма қўми таси раиси Шўҳрат Турди евнинг таъкидлашича, «Бар камол авлод» спорт ўйин ларида қатнашаётган ёш ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади да тармоқ қўмитаси томо нидан 500 миң сўм маб лағ ажратилди. Ушбу мусобақаларда иш тирик этаётганлар ораси да футбол бўйича мамлақати мизнинг номдор жамоала ри - «Насаб», «Машъал» ва «Шўртан» жамоалари ўрин босарларининг борлиги қувонарли ҳолдир. Жумлад ан, Шахрисабз технология касб-хунар коллежи ўқувчи си Фахриддин Холмуродов, Шахрисабз кишлоқ хўжали ги коллежи ўқувчиси Комил Каттақулов, Косон саноат касб-хунар коллежидан Сер Дилшод Болдиев, Қарши

сингари ёшлари Муборак нинг «Машъал» футбол жа моаси ўринбосарлари тарки бидан мумкин жой олган. Вилоятдаги 68 та ўқув му ассасасида таълим олаётган ёшларнинг спорт билан шуғ улланишлари учун замона вий усулда қурилган спорт иншоотларида барча шарт шароитлар яратилиб, мала кали мураббийлар билан таъ минланган.

«Бу алги мусобақалар га ташкилий жиҳатдан пу хтирок этаётганлар ораси да футбол бўйича мамлақати мизнинг номдор жамоала ри - «Насаб», «Машъал» ва «Шўртан» жамоалари ўрин босарларининг борлиги қувонарли ҳолдир. Жумлад ан, Шахрисабз технология касб-хунар коллежи ўқувчи си Фахриддин Холмуродов, Шахрисабз кишлоқ хўжали ги коллежи ўқувчиси Комил Каттақулов, Косон саноат касб-хунар коллежидан Сер Дилшод Болдиев, Қарши

этанлар республика бо скичига йўлланма олди лар. Сарвиноз Эргашева бу гун нафақат Чирқичида, вилоят, қолаверса рес публика ёшлари ораси да шохмот бўйича етакчилар дан бири ҳисобланади. Қарши муҳандислик икти содий институтини қўши да ги лицей-интернат ўқув чи си Сарвиноз «Баркамол авлод» мусобақалари да иштирок этиб, вилоят ша рафини ҳимоя қилади.

Шоҳиста Нуриллаева Дехқонobod кишлоқ хўжа ли касб-хунар коллежи талабаси. У стол тенниси бўйича тенгдошлари ораси да пешқадамлик қила ётган бўлса, Камаша пе дагогика коллежи талаба си Илёс Усмонов спорт нинг кўл тўпи бўйича му собақаларида иштирок эта ди.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Биринчи босқич - «Умид ниҳоллари». Унда умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари қамраб олинди. Мусобақа ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниктириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, галабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, қисқаси, спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш мақсадига хизмат қилади. Шу билан бирга иқтидорли ёшларни мамлакат спорт заҳирасига киритишни ҳам назарда тутди.

Иккинчи босқич - «Баркамол авлод». Бу беллашулар касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларини қамраб олади. У ўқувчиларни жисмоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида кенг қамровли ишларни янги босқичга қўтаришга ёрдам беради.

Учинчи босқич - «Универсиада». Мусобақа олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилиб, мамлакат тарма жамоасини доимий равишда мамлакат шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қила оладиган спортчилар билан тўлдириб бориш имконини беради.

Ҳолмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори

Аминманки, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтади. Холслик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик руҳида ўтажак мусобақа ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда юртимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Янги юлдузларни, иқтидорли ёшларни кашф этади.

Холмат ҒАНИЕВ, «Фазалкент» ўйингоҳи директори



МАҲОРАТ ШУНДАЙ ТОБЛАНАДИ

Вилоятимизда «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг ўтказилиши зиммасига катта масъулият юклатди. Шунинг ҳисобига олган ҳолда тайёргарлик ишларини кизгин олиб бордик.

Миллионлар ўйини телефон, факс каби ҳисобланган футбол алоқа воситалари билан мусобақалари бўлиб таъминланди, компютер интернет тармоғига таъминланди, компютер тармоғига таъминланди. 2 мингдан зиёд кийиниш ва ювчи хоналари сифатли таъмирдан чиқарилади. Шу билан бирга

Миллионлар ўйини телефон, факс каби ҳисобланган футбол алоқа воситалари билан мусобақалари бўлиб таъминланди, компютер интернет тармоғига таъминланди, компютер тармоғига таъминланди. 2 мингдан зиёд кийиниш ва ювчи хоналари сифатли таъмирдан чиқарилади. Шу билан бирга

БАРЧАГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

Коллежимизда минг нафардан ортиқ ўқувчилар турт йўналиш бўйича сабоқ олишади. Билим масканида ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш борасида маънавий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Илҳом Хасанов, Зайниддин Раимқулов, Қаҳрамон Сатторов, Зулфия Хисамуддинова каби ўқувчиларимиз жонбозлиги туфайли 9 та спорт тўрагаги доимий тарзда ишлаб турибди. Спорт зали, футбол, волейбол, кўл тўпи майдонларини жиҳозлаш учун ўтган йили қарийб 1,5 миллион сўмлик спорт анжумлари сотиб олдик.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг худудий босқич беллашуларига ўқувчиларимиз 11 та спорт тури бўйича футбол иштирок этишди. Айниса, ёш футболчи

ларимизнинг қатнашуви муваффақиятли бўлди. Жамоамиз вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Вилоятимизда ўтаётган республика мусобақасида ҳам совринли ўринларни эгаллаш мақсадида ёш футболчиларимиз март ойидан бошлаб кизгин тайёргарлик олиб боришди. Жумладан, тарма жамоани шакллантириш учун бир қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Бундан ташқари, мураббий Александр Иванков хотирасига бағишланган турнирда иштирок этишди. Умид қиламизки, тажрибали мутахассислар Владимир Амхерьев, Шарофиддин Сирожиоллов ва Нодир Султоновлар мураббийлигидаги ёш спортчиларимиз футбол мусобақаларида кўнглидагидек иштирок этишади.

А. АРАНЖИЕВ, Бўқа агросаноат касб-хунар коллежи директори

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

Аста-секинлик билан бўлса-да, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, маҳоратини ошираяман. Утган йили аввалги вилоят биринчилигида, сўнг ўсмирлар ўртасида республика чемпионатида қатнашиб, ғолиб чикдим. Спорт усталигига номзод талабини бажардим. «Баркамол авлод» спорт ўйинларида илк маротаба қатнашимиз. Шунга қарамай, ўз олимга юксак мақсадини қўйганман. Яъни, мусобақада зафар қучиш ниятиданман. Бунга эришишимда мураббийим Нуриддин ака Отақовнинг ўғитлари кўп келади, деб ўйлайман. Чунки у тажрибали мураббий. Нафақат менга, балки барча шогирдларига бокс рингида қандай кураш олиб боришни, ўзини ҳимоя қилиш ва қутилмаганда ҳужумга ўтишини барча сирларини ўргатган. Аминманки, устозим, ўқитувчиларим, ёр-биродарларим ишончини албатта оқлайман.

К. АБДУРАҲМОНОВ, Урганч Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўқувчиси

МУРАББИЙ БАХТИ

Кейин билсак, спортчилар тили билан айтганда, тактик устунлик ҳақида гап бораётган экан. Бу майдонда тўпни қўлдан-қўлга узатиш, тўғриворги томонларнинг «аклини ўйириш», пайт пайлаб тўсатдан зарба беришдир. Шогирдларидан Нурали Урунов сурхондарёлик волейболчилар билан ўтказилган «Баркамол авлод-2003» ўйинларида шундай йўл тутиб меконларни доғда қолдирганиди. Ушанда ҳисоб - 36:36, дуранг. Е ҳаёт, ё момот дегандек, масалани биргина очко ҳал этарди. Нуралининг қулонида устозининг «Волейбол жамоа ўйини. Бир қўлинг жамоада, бир қўлинг рақиб майдонида бўлсин!» деган ўғитлари жаранлагандек бирданги руҳлилик кетди. Жамоадoshi узатган тўпни чаққонлик билан ушлаб олди, рақиб ўйинчиларини чалғитди. Улар кутгандек дарҳол тўрага ташла-масдан жамоадoshiлардан бири Илҳомжонга узатди. Сунгра моҳирлик билан қайтариб олди. Комбинация муваффақиятли чикди. Залини ишчибозларнинг олқишлари ларзага келтир-

ди. Ҳисоб Марҳамат кишлоқ ва сув хўжалиги коллежи волейболчилари фойдасига ҳал бўлганди. Обиджон Мамажонов қувонганидан шогирдларини анча-гача бағридан бўшатмай турди.

Устоз шогирдларининг нафақат спортдаги ҳаёти, балки жамоат орасида ўзини тутиши, курсдошлари билан муомиласи, соғлиги, дарсларни ўзлаштиришига ҳам ҳамиша кўз-қуллоқ, Айтиш, ўқувчилардан бирининг иссиғи кўтарилди. Биринчи бўлиб тез тиббий ёрдамни оғоҳ қиладиган ҳам у. Обиджон наздида волейбол - жисмоний чиниктириш энг самарали омил. Чунки волейболчи ёшлар спортнинг бир эмас, бир неча тури - енгил атлетика, гимнастика, культуризм билан машғул бўлади. Энг муҳими, ўйинлар жараёнида ҳамжихатлик, бирдамлик, аҳилик, чаққонлик, матонат, танглик сабоғи ўзлаштирилади.

Айтганча, мураббийнинг қатъиятлиги шогирдларига ҳам юққан. Улардан бири Умиджон Тилабов билан шундай воқеа юз берган. «Баркамол авлод-2003» босқич мусобақаларининг волейбол бел-

лашувлари кетаётган пайтда бехосдан жароҳатланди. Умиджоннинг кўз олдига жамоа шарафи, спортчи фидойчилиги турарди. Матонат дардини енгди. Унинг саяҳатлари билан коллеж жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Бу йилги «Баркамол авлод» мусобақаларидан коллеж жамоасининг умиди катта. Беллашуларда Обиджон Мамажоновнинг тўрт нафар шогирди иштирок этапти. Дарвоқе, волейболчилар жамоаси спортнинг тезкор турида 2003 йилги «Баркамол авлод» беллашувлари ғолиби унвонига сазовор бўлганди.

Коллежда 1300 нафар ўғил-қиз касб-хунар сирларини эгалламоқда. Кўл тўпи, кураш, баскетбол, каратэ, шохмот, шашка тўрақаракларида 70 фойз талаба жалб этилган. Ҳамиджон Бозоров, Сардор Шокиров енгил атлетика, Саид Абдурақов, Бехзод Соатқуловлар эркин кураш, Рустам Арзиев футбол бўйича вилоят тарма жамоаси таркибида «Баркамол авлод» спорт ўйинларида Андижон двурўғини таратишга бел боғлашган.

С. РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касабаяшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерлари тартибда таъмирланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.